2010 ЙИЛ 18 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ · № 33 (11.594) · Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига 2010 йил 10-12 февраль кунлари амалга оширган давлат ташрифи чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

## ХОРИЖИЙ МАТБУОТ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖАНУБИЙ КОРЕЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ҲАҚИДА

Жумладан, Франциянинг **«Франс Пресс»** ахборот агентлиги тарқатган хабарда «Корея Республикаси ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарларининг Сеулдаги учрашувлари якунида Ўзбекистонда газ конини ўзлаштириш ва газ-кимё мажмуини қуриш бўйича битим имзоланди» дейилади. Агентлик икки давлат ўртасида лойиҳани ишга тушириш учун умумий қиймати 4 миллиард АҚШ долларига яқин маблағни ташкил этадиган сармоявий битим имзолангани ҳақида хабар беради.

Президентлар Ислом Каримов ва Ли Мён Бак мазкур битимни ҳамда Фарғонанинг ғарбий қисми ва Чинободдаги нефть конларида қазиб олиш ишларини ҳамкорликда амалга оширишга оид эришилган келишувларни маъқулладилар. Давлатлар бу соҳада Наманган ва Чустда ҳамкорлик қилиб келишмоқда.

Президент Ли Мён Бак Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ниятини яна бир бор тасдиқлади ва томонлар Афғонистонни қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга келишиб олдилар, дейилади агентлик хабарида.

Германиянинг "pr-inside.com" электрон нашри Президент Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ва ушбу ташриф доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Жанубий Корея саммитига бағишланган салмоқли ахборотни эълон қилди.

Унда хусусан, "томонлар нефть-газ, нефть кимёси, қурилиш, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, экология, тўқимачилик тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётганини юксак баҳолаб, ишбилармонларнинг бевосита шериклик алоқаларини қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга келишиб олдилар", дейилади.

Немис электрон нашри мақоласида томонлар «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантириш лойиҳаси икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналиши эканини таъкидлаб, ушбу лойиҳани муваффақият билан амалга ошириш мақсадида кўп томонлама ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олишгани айтилади.

"Икки давлат раҳбарлари «Кореан Эйр» компанияси бошқарувидаги «Навоий» халқаро логистика маркази ҳамда «Навоий» ЭИИЗ салоҳиятининг бирлаштирилиши авиация, темир йўл ва автомобилда юк ташиш бўйича мультимодаль логистика тармоғи орқали маҳсулотларни халқаро бозорларга тезкор равишда етказиб бериш учун энг қулай шароит яратилишини таъминлаб, қўшимча қийматни юзага келтиришини қайд этишди".

Мақолада ёзилишича, Президент Ли Мён Бак Тараққиётга расмий ёрдам дастури доирасида тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, таълим, қайта тикланадиган энергия манбалари, саноат ва инфратузилма соҳаларида Корея Республикаси ҳукуматининг Ўзбекистонни янада кенг қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида алоҳида тўхталган.

Хабар қилинишича, Жанубий Корея президенти 2010 йилда Ўзбекистон Билим алмашиш бўйича дастур доирасида асосий ўрин тутадиган давлат этиб белгиланганини маълум қилиб, макроиқтисодиётни бошқариш, инновацияларни рағбатлантириш, экспорт ва сармоя масалаларида Корея тажрибаси билан фаол ўртоқлашиш режалари ҳақида тўхталди.

Туркиянинг **«Жихан»** ахборот агентлиги янгиликлар тизимида эълон қилинган «Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатларида янги бурилиш» сарлавҳали мақолада мазкур ташриф давомида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар ҳақида батафсил сўз юритилиб, Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида қатор муҳим ҳужжатлар имзолангани айтилади.

"Томонлар нефть-газ, нефть кимёси, қурилиш, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, экология, тўқимачилик тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётганини юксак баҳолаб, ишбилармонларнинг бевосита шериклик алоқаларини қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга келишиб олдилар", дея хабар беради агентлик.

Мақолада икки мамлакат раҳбарлари сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро муносабатлар жадал ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этиб, иккала давлат ўртасидаги стратегик шериклик мазмунини янада бойитиш йўлида ҳамкорликни изчил давом эттириш борасидаги азму шижоатлари баён этилган Ўзбекистон ва Жанубий Корея Президентларининг учрашувига алоҳида эътибор қаратилади.

Инглиз тилида чоп этиладиган **«Chinaview» (Хитой)** ахборот таҳлилий нашрида 2010 йил 11 февраль куни Сеул шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари икки томонлама муносабатларнинг стратегик хусусиятини тасдиқлашгани хабар қилинади. Нашр шунингдек, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуини қуриш ва конни ўзлаштириш лойиҳасини амалга ошириш бўйича сармоявий битимнинг имзоланганига эътибор қаратади.

**Хитой халқаро радиоси** Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига амалга оширган ташрифига бағишланган қатор репортажларни эфирга узатди. Унда, жумладан, «томонлар сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама муносабатлар жадал ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этишди, ахборот технологиялари, экологияни асраш, қурилиш ва тўқимачилик саноати тармоқларидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга умид билдиришди, давлатлар раҳбарлари нефть ва газ захираларини ўзлаштириш ва кимё саноати соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг муҳимлигини қайд этишди», дея хабар берилади.

Хитойнинг **«Жэньминь жибао»** газетасида «Жанубий Корея ва Ўзбекистон стратегик ҳамкорликни тасдиқлашди» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда таъкидланишича, «ташриф давомида Президент Ислом Каримов кимё саноатини ва Ўзбекистондаги Сурғил конида газ конини ривожлантириш бўйича йирик икки томонлама сармоявий шартномани имзолади. Бу борада давлатлар раҳбарлари, мазкур ҳужжатнинг имзоланиши икки мамлакат ўртасидаги шериклик муносабатларининг мустаҳкамланаётганини кўрсатишини қайд этишди».

*(Давоми 2-бетда).*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислоҳотлар оқимида

## ЯНГИ ДАСТГОҲЛАР КЕЛТИРИЛАДИ

**Бугунги бозор ва харидор талабларига мос маҳсулотларни тайёрлашда фақат тадбиркорлик билан изланишнинг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун замонавий техникалар қувватидан фойдаланиш, илғор технологияларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.**

«DESK-INVEST» Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонаси бу борада ибратли ишларни амалга оширмоқда. Юқори қувватли технологик линиялар асосида тайёрлаётган бунёдкорлик ашёси — замонавий том қоплаш материаллари ҳам ички, ҳам ташқи бозорда харидорини топмоқда. Улардан қурувчи-бунёдкорлар самарали фойдаланишмоқда, материаллар бино ва иншоотларга кўркамлик бағишлашмоқда.

Корхона цехларига Финляндияда ишлаб чиқарилган юқори унумли технологик жиҳозлар ўрнатилганлиги сифатли ва рақобатбардош томёпқичлар турларини кўпайтиришда мутахассисларга қўл келмоқда. Шуни айтиш лозимки, илгари бундай маҳсулотлар республикамизга Россия, Голландия ва бошқа давлатлардан олиб келинарди.

— Маҳсулотларимиз Европанинг илғор технологиялари асосида ишлаб чиқарилади, — дейди қўшма корхона бош директори Шавкат Аҳмедов. — Ягона чизмалар негизида буюртма асосида иш юритамиз. Истеъмолчиларимиз орасида хусусий сектор вакилларидан тортиб йирик қурилиш компаниялари, ташкилот ва муассасалар мавжуд. Биз тайёрлаётган том қоплаш материаллари мамлакатимизнинг барча ҳудудларига етказиб берилади. Буюртмачи талаби асосида тез ва соз ишлашга ҳамда ўз вақтида уддалашга эришаяпмиз.

Ҳозирги кунда корхона маҳсулотлари республикамиздаги кўплаб объектларда қўлланилиб, уларга алоҳида кўрк бағишламоқда. Шу жумладан пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида бунёд этилган замонавий бинолар, «Чорсу» буюм бозори, Андижондаги драма театри, Хоразмдаги иншоотларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўтган йилни муваффақиятли якунлаган тадбиркорлар яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда тарновлар ишлаб чиқариш бўйича янги технологик линияни ишлаб чиқаришга жорий этишни кўзда тутишмоқда. Бунинг учун Финляндиядан компьютерлаштирилган замонавий дастгоҳлар келтирилади. Албатта, бу ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулотнинг харидоргир турларини кўпайтиришда муҳим ҳисса бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа**

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Фарғона вилояти Солиқ бошқармасида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган семинарда жорий йилнинг 1 январидан бошлаб кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва ундаги ўзгаришларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига қандай наф келтириши хусусида сўз борди.**
- **Хатирчи туманидаги Чиғатой қишлоғида барча қулайликларга эга бўлган янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Ушбу шифо маскани «Қизилқумцемент» ОАЖнинг 180 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами эвазига бунёд этилди.**
- **Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Вобкент тумани филиали 65 миллион сўмлик замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Кўчма рентген аппарати, УЗИ, сунъий нафас бериш ускунаси ҳамда биокимёвий таҳлил жиҳозлари шулар жумласидандир.**
- **Тошкент вилояти Маънавият ва маърифат марказида «Камалак» болалар ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.**
- **Самарқанд шаҳрида «Ёшлар кашандалик ва ичкиликбозликка қарши» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда олий ўқув юртлари талабалари, коллеж, академик лицей ва мактаб ўқувчилари иштирок этди.**
- **Навоий вилояти, Хатирчи тумани йўл хўжалик пудрат таъмирлаш ва ундан фойдаланиш давлат корхонаси томонидан 17,5 километр масофадаги ички йўлларга асфальт ётқизилди. Шунингдек, қишлоқларни туман маркази билан боғловчи йўллар таъмирдан чиқарилиб, атрофи ободонлаштирилди. Бу мақсадлар учун маҳаллий бюджетдан 311,2 миллион сўмлик маблағ сарфланди.**
- **Томди туманида «Актайпром инвест» шўъба корхонаси иш бошлади. Бу ерда 25 нафар янги иш ўрни яратилди. «Микрокредитбанк»нинг юз миллион сўмлик узоқ муддатли сармояси эвазига ташкил этилган бу корхона бир кеча-кундузда 7,5 миллион тонна сифатли оҳак тайёрлаш қувватига эга.**

### ЖАҲОНДА

- **Украинанинг янги сайланган президенти В.Януковичнинг инаугурация маросимини 25 февралда ўтказиш белгиланди. Шу муносабат билан мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги хорижий давлатлар раҳбарларига таклифномалар юбормоқда.**
- **Халқаро валюта жамғармаси Литвага 200 миллион евро миқдоридаги транш кредитини ажратди.**
- **НАТО Россия ва Абхазия ўртасидаги Россия ҳарбий базасининг Абхазияга жойлаштирилиши тўғрисидаги легитим битимни қоралади ва уни тан олмади.**
- **Италияда франциялик сайёҳатчи ёшларни олиб кетаётган автобуснинг ҳалокатга учраши натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмган, 7 нафар йўловчи турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Ҳалокатга ҳайдовчининг ҳаракатланаётган автобус рулини номаълум сабабларга кўра зудлик билан ён томонга буриши натижасида транспорт воситасининг ағдарилиши сабаб бўлган. Айни пайтда воқеага ойдинлик киритилмоқда.**
- **Кеча жаҳоннинг етакчи хом ашё биржаларида ўтказилган навбатдаги савдолар давомида нефть нархининг ошганлиги кузатилди.**
- **Франция президенти Н.Саркози зилзиладан жабрланган Гаитига 326 миллион евро миқдорида моддий ёрдам кўрсатилишини билдирди.**
- **Греция маъмурлари мамлакатнинг шимолий қисмида сув тошқинлари хавфи юзага келганлиги муносабати билан учта аҳоли яшаш пунктидан кишиларни эвакуация қилди.**
- **Эрон Теҳрондаги ядро тадқиқотлари реакторини тўхтатиш тўғрисидаги Россия, Франция ва АҚШ таклифини берган МАГАТЭнинг сўровини кўриб чиқмаслигини билдирди.**
- **Германиянинг энг йирик авиакомпанияларидан бири бўлмиш «Люфтганза»нинг 4,5 минг кишилик ходимлари маошларининг пасайтирилишига норозилик сифатида тўрт кунлик иш ташлашни эълон қилди.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БАРКАМОЛ** авлод йили муносабати билан Республика дизайн коллежига замонавий педагогик компьютер техникаси ва ўқув жиҳозлари тухфа этилди.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тадбирда мактаб таълимини ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетининг рус филологияси факультети талабаси Екатерина Загородная Алишер Навоий номидаги стипендия соҳиби бўлди.

✓ **ТОШКЕНТ** фотосуратлар уйида рассом Радик Азизовнинг гиёвандликни қораловчи асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

# ХОРИЖИЙ МАТБУОТ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖАНУБИЙ КОРЕЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ҲАҚИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Мақолада шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак икки давлатнинг энергетика ҳамда энергия ресурслари соҳасидаги ҳамкорлиги тобора кенгайиб бораётгани, нефть ва газ конларига эга бўлган Наманган ва Чустда амалга оширилаётган лойиҳа ҳамда Ғарбий Фарғона ва Чинобод нефть конларини ўрганишга оид янги битим шундан дарак беришини таъкидлашгани ҳақида айтилади.

Мисрнинг **«Асия ал-Вуста»** электрон нашрида чоп этилган мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Корея Республикасига амалга оширган бу галги ташрифи Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлик борасидаги қарашлари бир хил эканидан гувоҳлик бериши, уларнинг икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлидаги ўзаро интилишининг тасдиғи экани ҳақида сўз юритилади.

– Ўзбекистон Сеулнинг Корея яриморолидаги муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш масаласига ёндашувини, Корея Республикаси раҳбариятининг "Янги Осиё дипломатияси" ташаббуси ва энергетика стратегиясини қўллаб-қувватлайди. Сеулда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш борасида тутган ўрнини юксак қадрлашади, — деб ёзади «Асия ал-Вуста».

Лондонда нашр этиладиган **«Дар ал-Хаят»** умумараб газетасининг электрон нашрида «Сеул Ўзбекистоннинг газ конларини тадқиқ этади» сарлавҳали мақола жойлаштирилди. Унда таъкидланишича, Ўзбекистон ва Жанубий Корея Президентлари Ислом Каримов ва Ли Мён Бак икки мамлакат ўртасидаги яқин ҳамкорликнинг рамзи сифатида Сурғил лойиҳасига оид сармоявий битимни имзолашди. Олий даражадаги учрашув якунига кўра икки давлат раҳбарлари сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар каби турли соҳаларда икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш жараёнидан қониқиш ҳосил қилганликларини қайд этишди.

Икки давлат раҳбарлари бензин ва пропаннинг ўрнини босувчи муқобил ва экологик хавфсиз энергия манбаларидан фойдаланишга ўтишни кўзда тутувчи "яшил тараққиёт" дея аталувчи соҳада ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида битимга эришди.

Жанубий Корея Президенти Ўзбекистонни соғлиқни сақлаш, таълим, инфратузилма каби соҳаларни ривожлантиришда расмий қўллаб-қувватлашда давом этажагини, шунингдек мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш мақсадида Жанубий Корея тажрибасини олиб кириш борасида ўз собитқадамлигини билдирди. Шу билан бирга Афғонистонни қайта тиклашда кўмаклашиш тўғрисида ҳам битим имзоланди.

Россиянинг **«Независимая газета»** нашрида чоп этилган мақолада «томонлар Сурғил ва Устюрт конида газ қазиб олишга оид лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувга эришишди», дейилади. Хабарга кўра, лойиҳа доирасида зангори ёнилғини қайта ишловчи ҳамда полиэтилен ва пропилен ишлаб чиқарувчи газ-кимё мажмуаси қурилади.

**«РИА Новости» ахборот агентлиги**нинг "Ўзбекистон Шимолий Кореяни ядровий қуролсизлантиришни қўллаб-қувватлади" сарлавҳали мақоласида таъкидланишича, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва унинг жанубий кореялик ҳамкасби Ли Мён Бакнинг Шимолий Кореяни ядровий қуролсизлантириш Шимоли-Шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг муҳим шарти эканига оид фикрлари муштаракдир.

**«Регнум» ахборот агентлиги**нинг ёзишича, Сеулда бўлиб ўтган учрашув давомида томонлар маданият, спорт ва туризм соҳасида ўзаро алоқалар ҳамда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олдилар. «Томонлар Тошкент шаҳрида Сеул истироҳат боғини барпо этишни кўзда тутадиган протокол тузилганини маъқуллаб, бу лойиҳа икки мамлакат халқларининг тотувлиги ҳамда дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган муштарак хулосани баён этдилар».

**«Казахстан сегодня» ахборот агентлиги**да эълон қилинган мақолада Сеулда олий даражада бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари икки томонлама иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликни янада ошириш чораларини муҳокама қилишди, дейилади.

МДҲ ва Марказий Осиё давлатлари оммавий ахборот воситаларида, жумладан, «Тренд», «Авеста», «Азия-Плюс», «AKИpress», «Центральноазиатская новостная служба «CA-News», «Gazeta.kz» каби нашрларда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги икки томонлама, айниқса, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик муносабатлари ривожининг жадаллигига алоҳида урғу берилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг тез орада Россия, АҚШ, Хитой, Корея Халқ Демократик Республикаси, Корея Республикаси ва Япония иштирокидаги олти томонлама музокараларни қайта тиклаш орқали Шимолий Корея ядро муаммосини ҳал қилишга интилаётган Корея Республикаси ҳукуматининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаганига эътибор қаратилади.

**«Жаҳон» АА**



Осиё чемпионати — 2010

# ЖАМОАМИЗ АЪЗОЛАРИ — ШОҲСУПА ТЎРИДА

**Икки кундан буён «Универсал» спорт саройида бадиий гимнастика бўйича XI Осиё чемпионати беллашувлари қизғин ва муросасиз тарзда кечмоқда.**

Кеча жамоавий беллашувлар ўз ниҳоясига етди. Шуни қувонч билан қайд этиш жоизки, арғамчи, ҳалқа, тўп ва булава бўйича ўтказилган машқларда мамлакатимиз спортчилари юқори натижаларга эришди. Жамоамиз етакчиси Ҳуснияхбону Ғуломова биринчи бўлиб машқларни бажарди ва барча тўрт хил йўналиш бўйича юқори балларни жамғаргани ҳолда жамоадошлари учун муваффақият сари йўл очди. Унинг сафдошлари Азиза Мамажонова ва Сарвиноз Холиқовалар ҳам мухлисларимизни хушнуд этган ҳолда машқларни аниқ ва нафосат билан бажариб, салмоқли баллар йиғишди.

Мусобақалар якунланиб, йиғилган баллар сарҳисоб қилинганида, юқоридаги уч нафар иқтидорли спортчидан ташкил топган мамлакатимиз терма жамоаси шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди ва олтин медалларни қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида қозоғистонлик бадиий гимнастика усталари иккинчи, хитойлик спортчилар эса учинчи ўринларни эгаллашди.

Шубҳасиз, мамлакатимиз спортчилари ғалабаси шарафига мадҳиямиз янграган онлар мухлисларимиз дилида узоқ вақт сақланиб қолади.

**(Ўз мухбиримиз)**

# СЎЗ — ЧЕМПИОНАТ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Петрина Лай Хан ЛОВ хоним, ҳакам (Малайзия):**

– Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, Гимнастика федерацияси ва Халқаро Олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ўтган йили Тошкентда ташкил этилган спорт гимнастикаси бўйича мураббийлар ва ҳакамлар учун техник семинарда иштирок этгандим. Ўзбекистонлик гимнастикачилар, айниқса, спорт гимнастикаси усталари Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари совриндори сифатида дунёнинг энг кучли спортчилари қаторида туришини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ўзбекистонда спортга қаратилаётган улкан эътибор мамлакатингиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қиладиган спортчилар авлодини тарбиялашга хизмат қилаётир.

"Универсал" спорт саройининг кенг ва ёруғ заллари, унда яратилган шароитни кўриб қувондим. Малайзияда ҳам гимнастикачиларимиз учун барча қулайликларга эга ана шундай замонавий спорт мажмуалари бўлишини истар эдим.

**Мангин ВАНГ, гимнастикачи (Хитой):**

– Илк чиқишимни томошабинларга ҳавола этдим. Ҳаяжоним чексиз. Турли предметлар ёрдамида бадиий рақсларимни аниқ ва тўғри ижро этишга ҳаракат қиляпман. Таъкидлаш жоизки, иштирокчилар орасида кучли ва иқтидорли спортчилар жуда кўп. Ушбу спорт мусобақаси маҳоратли гимнастикачилар билан яқиндан танишиш, фикр ва тажриба алмашиш имконини беради.

Тошкентда ўтаётган мазкур чемпионат мусобақадошларим ҳаётида ёрқин из қолдиришига ишончим комил.

**Сараб ХАЛИЛ хоним, ҳакам (Сурия):**

— Мазкур чемпионат спорт оламига энди кириб келаётган, умидли ёш талантларни кашф этиш, уларга жаҳон чемпионатлари ва Олимпиада ўйинлари сари парвоз қилиш учун қанот берадиган улкан имкониятлар майдонидир. Спорт оламида юксак марраларни эгаллаш, ўз муродига етиш учун, аввало, истеъдод ва интилиш, энг муҳими, кучли ирода, тинимсиз меҳнат ва шижоат зарурлиги сир эмас.

Бу йилги чемпионат иштирокчилари ёш бўлсалар-да, иқтидорли эканликларини намойиш қилмоқдалар. Гимнастикачиларнинг чиқишларини баҳолашда тана ҳаракатига, предметлардан аниқ ва тўғри фойдаланишига, куй ва ҳаракатларнинг уйғунлигига, шунингдек, либосларга ҳам катта эътибор қаратилади.

**Ли Хонг ЧУАНГ, гуруҳ раҳбари (Сингапур):**

— Тошкентда бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионатига жуда катта тайёргарлик кўрилгани яққол сезилиб турибди. Иштирокчилар нафақат ўз иқтидорини намойиш этиши учун, балки маданий ҳордиқ чиқариши учун ҳам барча шароит мавжуд. Хизмат кўрсатиш савияси юксак даражада ташкил этилган.

Ўзбекистонда бадиий гимнастика билан шуғулланаётган қизлар сафи жуда кенглиги, энг чекка ҳудудлардан ҳам кўплиги мени жуда ҳайратлантирди. Бу спортни ривожлантиришга давлат томонидан қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол самарасидир.

**(ЎзА)**

# САРАТОННИ ДАВОЛАШДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ўғил-қизларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, уларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий камол топишига кўмаклашиш, миллат генофондини янада соғломлаштиришнинг изчил механизми яратилди.**

Бу эса оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш, хавфли касалликларнинг олдини олиш бўйича ижобий самараларга эришиш имконини бермоқда.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган саратон хасталикларини даволашда инновацион услубларни қўллаш масалаларига бағишланган иккинчи халқаро илмий-амалий анжуманда бу алоҳида таъкидланди. Тадбир "Sen Yolg"iz Emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Онкология илмий маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуман ишида мамлакатимиз ва Франциянинг соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, мутахассислар, олимлар, шифокорлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили, "Sen Yolg"iz Emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси васийлик кенгаши раиси Лола Каримова бугунги кунда жаҳон миқёсида саратон хасталиклари, жумладан, болалар гематологияси ва онкологияси билан боғлиқ касалликларни даволаш масаласи долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Шу маънода, Ўзбекистонда бундай хасталикларнинг олдини олиш, бу борадаги муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, онкологияга оид касалликларни эрта аниқлаш, ташхис қўйиш, ўз вақтида даволаш бўйича изчил ва кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда аёллар, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ўсмир қизлар, бўлғуси оналарнинг тиббий ҳолатини мунтазам назорат қилиш, соғломлаштириш, тиббиёт муассасалари, диспансерлар, оилавий поликлиникаларни энг замонавий жиҳоз ва ускуналар, дори-дармонлар билан таъминлаш, шифокор-мутахассисларнинг халқаро миқёсда фикр ва тажриба алмашишига кўмаклашиш доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси томонидан Францияда бўлиб ўтган йирик халқаро конгресс ва анжуманларда ўзбекистонлик шифокор ва мутахассисларнинг иштирок этиши, тиббиёт ходимларининг мунтазам равишда касб малакаси ва маҳоратини ошириши учун қулай шароит ва имкониятлар яратилгани бунинг ёрқин далилидир.

Айни пайтда жорий йилнинг 1 февралидан Ўзбекистон саратон хасталиги билан курашиш бўйича Париж хартиясига расман қўшилгани гемотология, онкология, генетик касалликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, даволашда илғор ва замонавий усуллар, самарали технологияларни қўллаш, мазкур йўналишдаги сўнгги ютуқ ва янгиликларни амалиётга жорий этиш имконини беради.

Анжуманда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Мишель Тайад, Франциянинг Саратон бўйича миллий институти президенти, профессор Дэвид Хаят дунё миқёсида хавфли хасталиклар ўнлигига кирувчи саратон касалликларини эрта аниқлаш ва профилактика чора-тадбирларини кўриш касалликни даволашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар. Бу жараёнда олимлар, шифокорлар ва мутахассисларнинг халқаро миқёсдаги ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов, Республика Онкология илмий марказининг умумий онкология бўлими илмий раҳбари М.Ғафурохунов ва бошқалар юртимизда аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, саратон касалликларига ташхисни тез ва тўғри қўйиш, мазкур йўналишдаги даволаш масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, зарур тиббий-техник жиҳоз ва ускуналар, дори-дармон воситалари билан таъминлаш, соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касб малака ва маҳоратини юксалтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Айни пайтда тиббиёт муассасаларида бу йўналишда замонавий дори-дармон ва препаратларни қўллаш, оператив жарроҳлик баробарида нур билан даволаш, кимё терапия усуллари татбиқ этилаётгани эътиборлидир. Шунингдек, скрининг текширувни янада такомиллаштириш, турли илмий-маърифий лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилаётгани соҳада муайян ютуқларга эришишда ўзига хос замин яратмоқда.

Халқаро анжуманда юртимиз ва франциялик соҳа мутахассислари, экспертлар томонидан саратонни даволашда инновацион усуллар, Ўзбекистонда онкологик тиббий хизматни ривожлатиришда халқаро ҳамкорлик, кимёвий даволаш усулининг бугунги ҳолати ва истиқболлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

2010 йил — Баркамол авлод йили

# МУСИҚИЙ ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ



**«Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестри Баркамол авлод йилига бағишлаб шаҳримиздаги барча болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўз концерт дастурлари билан иштирок этиб, ўқувчилар ва ота-оналар дилларини хушнуд этиб келмоқда.**

Яқинда оркестр жамоаси 15-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб, ўзининг янги концерт дастурини намойиш этди.

Дастурда мазкур мактабнинг иккинчи синф ўқувчиси, Муҳиддин Қориёқубов номли танловнинг шаҳар босқичи совриндори, «Янги авлод – 2009» болалар ижодиёти фестивали ғолиби Фозил Фарҳодовнинг оркестр жўрлигидаги «Дилхирож» куйининг яккахон чиқиши йиғилганларга манзур бўлди. Афғон рубоби йўналиши тўртинчи синф ўқувчиси Суҳроб Ҳамдамовнинг «Курд» асари ижроси ҳам олқишларга сазовор бўлди. «Дурдона» ,«Вальс», «Оҳиста», «Тулпор», «Баҳор», «Мусиқий лаҳза», «Чертмак» каби халқ куй ва қўшиқлари ҳам тадбирга ўзгача жозиба бахш этди.

— Бундай мусиқий ҳамкорликдаги концерт дастурларининг ташкил қилиниши ўқитувчиларимиз ва ўқувчиларимиз учун ўз мусиқий билимларини оширишда яна бир қулай имконият ҳисобланади, — дейди Чилонзор туманидаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Ҳамидулла Саъгдуллаев. — Ўзбек давлат халқ чолғулари камер оркестри — «Сўғдиёна»нинг нуфузи кундан-кунга ошиб бораётган бир пайтда мусиқа ва санъат мактабларида концертлар уюштириб борилиши келажак авлодга нисбатан алоҳида бир масъулият борлигини кўрсатиб беради. Айниқса, ҳар бир концерт дастурида янги-янги куй ва қўшиқларнинг янграши бу оркестрнинг изланувчанлиги ва тиниб-тинчимаслигидан далолатдир. Ўқувчиларимизнинг оркестр ҳамроҳлигидаги чиқишларидаги қувончи ва ҳаяжони чексиз бўлди, бу эса бизнинг ҳам шодлигимизга шодлик қўшди. Мусиқа соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар, ёш иқтидорларнинг кўпайиб бориши, жаҳон саҳналарида ўзбек мусиқа санъатининг обрў топаётгани ҳақида гап борганда, албатта, бунда заҳматкаш санъат жонкуярларининг ҳам алоҳида хизматлари борлигини айтиб ўтиш жоиздир.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: «Сўғдиёна» оркестри фаолиятидан лавҳа**

